


Жазоирда 1000 йиллик Қуръони карим намойиш этилди



11:40 / 18.01.2019 1868

Жазоирнинг Ҳаншала шаҳрида ёзилганига 1000 йил бўлган Қуръони каримнинг нусхаси намойиш этилди, деб хабар беради Al-Mesa ахборот агентлиги.

“Ан-Нур” маърифий фестивали доирасида намойиш этилган ушбу Каломуллоҳ эгасининг айтишича, китоб 1000 йил аввал тамаки қоғозига ёзилган ва у асрлар оша эҳтиёткорлик билан сақланиб келинмоқда. Мазкур Қуръони карим шу ерда яшайдиган бир хонадонга тегишли бўлиб, уларга ота-боболаридан мерос қолган. Айтишларича, бу хонадон аجدодлари илгари “Сақиятул ҳамро” вилоятида истиқомат қилганлар ва кейинчалик бу шаҳарга кўчиб ўтганларида Қуръони каримни ҳам ўзлари билан бирга олиб келганлар.

Islom.uz портали таҳририяти